

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ХУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА
ЖИНОЙИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

371 Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун
жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легал-
лаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кура-
шиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшим-
чалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил
12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2032-2*

«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва тер-
роризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Рес-
публикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпла-
ми, 2004 й., 43-сон, 451-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2006 йил 21 апрелдаги ПҚ-331-сон «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги
жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга
қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбе-
кистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 18-сон, 147-мод-
да) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил
19 декабрдаги 355-сон «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш
ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда Алоқа, ахбо-
ротлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйи-
ча давлат инспекцияси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори-
га (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон,
589-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва
телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ва Бош прокуратура
хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни ле-
галлаштиришга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон
Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноят-
ларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департа-
ментининг 2009 йил 13 октябрдаги 10-8/4270, 33-09-сон қарори (рўйхат
рақами 2032, 2009 йил 3 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжат-
лари тўплами, 2009 й., 45-сон, 490-модда) билан тасдиқланган Почта алоқа-
си операторлари, провайдерлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромад-
ларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси

Х. МИРЗАХИДОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 24 июнь,
34-мх-сон

Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғи в. б.

Б. ЗИЛЯЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 24 июнь,
14-сон

Ўзбекистон Республикаси
Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2013 йил 24 июндаги 34-мх, 14-сон қарорига
ИЛОВА

Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 1-банд қуйидаги мазмундаги ўнинчи — ўн иккинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатлар — жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чораларни

ишлаб чиқиш гуруҳининг расмий баёнотларида халқаро молиявий тизимга хавф туғдирувчи ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизимларида стратегик камчиликлари мавжуд деб белгиланган давлатлар ва ҳудудлар;

почта алоқаси объекти — почта алоқаси операторларининг алоҳида бўлинмалари (почтамтлар, почта алоқаси боғламалари, бўлимлари, пунктлари, шунингдек бошқа бўлинмалар);

оффшор ҳудуд — имтиёзли солиқ режимини тақдим қилувчи ва (ёки) молиявий операцияларни амалга оширишда улар ҳақидаги маълумотларни ошкор этмасликни ва тақдим қилмасликни кўзда тутувчи давлатлар ва ҳудудлар.».

2. Ўзбек тилидаги матннинг 2-банди тўртинчи хатбошисидаги «терроризмга» деган сўз «терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 3-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш хавфи даражасини аниқлаш ва баҳолаш, шунингдек уларни камайтириш бўйича чоралар кўриш;»;

иккинчи — ўнинчи хатбошилар тегишинча учинчи — ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўзбек тилидаги матннинг учинчи хатбошисидаги «ҳужжатлари, ушбу» деган сўзлар «ҳужжатлари ҳамда ушбу» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 4-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«почта алоқаси соҳасидаги қонун ҳужжатларини, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан қабул қилинган норматив ҳужжатлар, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини билишга;».

5. 6-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Почта алоқаси операторлари, провайдерлари ҳар йили 15 январгача мазкур Қоидаларга риоя этилиши учун масъул шахслар рўйхатини уларнинг сўровнома маълумотларини илова қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясига (бундан буён матнда Инспекция деб юритилади) тақдим этади.»;

иккинчи хатбошидаги «Давлат алоқа инспекциясига» деган сўзлар «Инспекцияга» деган сўз билан алмаштирилсин.

6. 7-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терро-

ризмни молиялаштириш хавфларини аниқлаш, баҳо бериш, назорат қилиш, бошқариш ва уларнинг даражасини пасайтириш тадбирларини амалга оширадилар;»;

иккинчи — олтинчи хатбошилар тегишинча учинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«хатарларни баҳолаш таҳлили асосида ички назоратни амалга ошириш бўйича тадбирлар дастурларини ишлаб чиқадилар ва тасдиқлаш учун раҳбариятга киритадилар (тасдиқлайдилар);»;

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мазкур Қоидалар ва ички назоратни амалга ошириш бўйича тадбирлар дастурларини амалга ошириш жараёнининг махфийлигини таъминлайдилар;»;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«ички назоратни ташкил этиш, жинойӣ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур Қоидалар талабларини бузиш ҳолатларининг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Инспекция ва Департаментнинг масъул шахслари билан ҳамкорликни амалга оширадилар.»

7. 9-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«жинойӣ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга оид хатарларни аниқлаш ва баҳолаш, уларни расмийлаштириш ва камайтириш бўйича тегишли чораларни кўриш;»;

иккинчи — ўнинчи хатбошилар тегишинча учинчи — ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги ўн биринчи ва ўн иккинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«мазкур Қоидаларнинг 22-бандида қайд этилган алоҳида ҳолларда Департаментга хабар берилиши лозим бўлган операцияларни тўхтатиш;

фойдаланувчилар тўғрисидаги маълумотларни бошқа почта алоқаси операторлари, провайдерларининг мазкур Қоидаларга риоя қилиш учун масъул бўлган шахслари билан алмашиш;»;

ўн биринчи хатбоши ўн учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

8. 10-банддаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 11-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жинойӣ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатларда ёхуд оффшор ҳудудларда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахслар;»;

ўн иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фойдаланувчи томонидан амалга оширилаётган операцияларнинг хусусияти ўзгаришига қараб, почта алоқаси операторлари, провайдерлари фойдаланувчини тегишлича текшириш натижалари бўйича тўпланган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда таваккалчилик хавфи даражасини қайта кўриб чиқиши лозим.»

10. Қуйидаги мазмундаги 11¹-банд билан тўлдирилсин:

«11¹. Фойдаланувчини тегишлича текширувдан ўтказилишининг кучайтирилган чораларига қуйидагилар киради:

фойдаланувчи ҳақида қўшимча маълумотлар (фаолият тури, активларининг миқдори, очиқ маълумотлар базалари, жумладан Интернет тармоғи ёки бошқа манбаалар орқали олинishi мумкин бўлган бошқа маълумот) олиш ва фойдаланувчи ёки бенефициар мулкдор ҳақидаги маълумотларни тез-тез янгилаб бориш;

юбуровчидан пул маблағлари манбалари ёки фойдаланувчининг молиявий ҳолати ҳақида маълумот олиш;

пул ўтказмалари бўйича режалаштирилган ёки ўтказилган операциялар бўйича маълумотлар олиш;

пул ўтказмаси операциясини амалга ошириш учун почта алоқаси объекти раҳбаридан рухсат олиш;

почта ўтказмаларининг кучайтирилган мониторингини амалга ошириш.»

11. 14-бандда:

ўзбек тилидаги матннинг биринчи хатбошисидаги «Фойдаланувчининг» деган сўз «Фойдаланувчи» деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«халқаро пул ўтказмалари билан боғлиқ бўлган операцияларда юбуровчи тўғрисидаги маълумотлар (жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, юридик шахсларнинг тўлиқ номи, жойлашган ери (почта манзили) ва юбуровчининг банк ҳисобварағи) тақдим этилмаганда ёки тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаганда, уларга алоҳида эътибор бериш ва синчиклаб таҳлил қилиш.»

12. 23-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тегишлича текшириш бўйича кучайтирилган чораларни кўриш;».

13. 29-банддаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Давлат алоқа инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ва Инспекция» деган сўзлар билан алмаштирилсин.